

ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРГАН ТАРИХИЙ УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 22 август куни “Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон” форматидаги уч томонлама саммитда иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Дастлаб “Аваза” миллий туризм зонасининг Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг юзма-юз ва расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида Туркменистон етакчиси давлатимиз раҳбарига Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Туркменистон дўстлик, яхши кўшнчилик ва стратегик шериклик муносабатларини

янада кенгайтириш ва мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион долларни ташкил этди. Февраль ойидан бошлаб мамлакатлар ўртасида эркин савдо режими

амал қилмоқда, пойтахтларда савдо ўйлари ишламоқда. Саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжаллиги, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жорий йилда “Шовот — Тошовуз” савдо зонасини ишга тушириш бўйича биргаликдаги ишлар якунланмоқда.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик доирасида Ҳукуматлараро комиссиялар ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари ҳамда қатор маданий тадбирларни самарали ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бўлажак еттинчи Маслаҳат учрашуви кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Шу маънода, “Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон” форматидаги музокаралар муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

Савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, энергетика ва гуманитар соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Гурбангули Бердимухамедовни август ойи бошида БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси муваффақиятли ўтказилгани билан яна бир бор самимий табрикларди.

Ўзбекистон Президенти Озарбайжон етакчиси Илҳом Алиевни яқинда Вашингтон шаҳрида Арманистон билан тинчлик

декларацияси имзолангани билан ҳам дилдан қутлади.

Давлатимиз раҳбари кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қатор аниқ таклифларни билдирди.

Уч давлатнинг улкан транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш муҳимлиги қайд этилди.

Амалдаги ва истиқболли йўлакларнинг туташуви Хитойни мамлакатларимиз ҳудудлари орқали Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа билан боғлайдиган барқарор ва самарали транскитъавий йўналишни шакллантириш имконини беришига ишонч билдирилди.

Хозирги кунда Хитой — Ўзбекистон темир йўли қурилиши бошланган. Бундан ташқари, яқинда Покистон ва Афғонистон билан Трансафғон йўлагини қуриш лойиҳаси бўйича меморандум имзоланди.

Янги юк оқимлари, энг аввало, Озарбайжон, Туркменистон ва Ўзбекистон инфратузилмасидан самарали фойдаланишни таъминлашни қайд этилди.

Ўрта маршрутни, шу жумладан, Зангезур йўлагини ривожлантириш борасидаги режалар ҳам қўллаб-қувватланди.

Энг муҳим масалаларни биргаликда экспертлар даражасида ишлаб чиқишга киришиш таклиф қилинди.

Бу ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириш, шу жумладан, Туркманбоши ва Бoku портларида замонавий логистика инфратузилмасини яратиш, келишилган тариф сиёсатини юритиш, тартиб-таомилларни рақамлаштириш ва юklar назоратини таъминлаш масалаларидир.

Ўзбекистон асосий бозорларга бизнес учун энг қисқа ва манфаатли чиқишни таъминлаш мақсадига юк ташиш тарифларини Ўзаро асосда пасайтиришга тайёрлиги билдирилди.

Бундан ташқари, саёй-ҳаракатларни бирлаштириш логистика инфратузилмасини ривожлантиришда иштирок этиши мумкин бўлган донор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан прагматик ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини бериши таъкидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Каспий денгизи орқали юklarни ташиш учун ўз паром қувватларини яратишдан манфаатдорлиги билдирилди.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш мақсадига кооперацияни чуқурлаштириш ва энергия ресурсларини учинчи мамлакатларга экспорт қилиш йўлакларини ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Бу борада Европада “яшил” энергия етказиб беришни ташкил этиш лойиҳаси истиқболли экани таъкидланди.

Анъанавий углеводородлар борасида Каспий шельфида геология-қидирув ишларини олиб бориш ва конларни ўзлаштириш соҳасида ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш таклиф этилди.

Товар айирбошлашни ва саноат кооперацияси кўламини тубдан ошириш яна бир устувор йўналиш сифатида қайд этилди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Туркменистон ва Озарбайжон билан ўзаро савдо ҳажми 2 баробарга ошди. Товар айирбошлаш таркибида саноат махсулотларининг улуши 40 фоизга етди.

Барқарор савдо-логистика занжирларини ривожлантириш, улгуржи-тақсимот марказларини ташкил этиш ва йирик савдо тармоқларига чиқиш, фитосанитария ва карантин талабларини унификация қилиш, махсулотларни рақамли маркировкалашни жорий қилиш, қўшма электрон платформаларни ишга тушириш ва товар-хомашё биржалари кооперациясини кенгайтиришни назарда тутадиган комплекс ҳаракатлар режасини биргаликда тайёрлаш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ХАЛҚАРО ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ БИЕННАЛЕСИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистоннинг жаҳон маданий харитасидаги нуфузини юксалтириш, замонавий санъат, тарихий мерос, креатив иқтисодиёт ва туризм уйғунлигини таъминлаш орқали мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўиш, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида ва “Ижодкор шаҳрлар тармоғи” дастурига кирган, асрлар давомида илм-фан, меъморчилик, ҳунармандчилик ва санъат маркази бўлиб келаётган кўҳна Бухоро шаҳрининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида **қарор қиламан:**

1. 2025 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта **сентябрь-ноябрь ойларида Бухоро шаҳрида халқаро замонавий санъат биеннаlesi** (кейинги ўринларда — Биеннале) ўтказиб борилсин.

2. Биринчи Биеннале **2025 йил 5 сентябрь — 20 ноябрь** кунлари юқори савияда ўтказилсин.

3. Қўйидагилар Биенналенинг **асосий мақсадлари** этиб белгилансин:

а) мамлакатимизда замонавий ва амалий санъат, ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ҳамда **глобал маданий маконга интеграция қилиш;**

б) креатив индустрияда таълим, тадқиқот ва касбий маҳоратни ривожлантириш, юртимиз вакилларининг жаҳонга машҳур уста-ижодкорлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали **халқаро даражага олиб чиқиш;**

в) юртимиз туристик жозибадорлигини ошириш, маданий мерос объектиларини **санъат намойиши майдонларига** айлантириш, **мунтазам қайта ташриф буюришга** бўлган қизқишқини шакллантириш.

4. Халқаро замонавий санъат биенналесига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш бўйича **ташқилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташқилий қўмита) тузилсин, шунингдек, унинг таркиби ва асосий вазифалари 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) Ташқилий қўмитанинг **ишчи органи** ҳисобланади.

6. Белгилансинки, биринчи Биеннале доирасида қўйидагилар амалга ошириладди:

а) Биеннале ўтказиладиган **14 та** маданий мерос объектини кўргазма ва тадбирлар, таълим ва тадқиқот, ижодиёт ва ишлаб чиқариш жараёнлари уйғунлашган **креатив кластерга** айлантириш;

б) жаҳонга машҳур уста-ижодкорлар томонидан **60 тадан кўп арт-объект**, шу жумладан, инсталляцияларни яратиш, улардан Биеннале ўтказиладиган жойни бадийи бeзашда фойдаланиш ва уларнинг энг муносибларини **дунё бўйлаб кўргазмаларда намойиш этиш;**

в) дунёга таниқли ижодкор, мутахассис ва ошпазлар иштирокида кенг жамоатчилик учун **10 ҳафталик илмий-материй, маданий-қўнғилочлар, сайёҳлик ва гастрономик дастурларни ташкил этиш;**

г) биринчи Биеннале **махсус каталоги** ва **Ўзбек миллий таомлари рецeптлар китоб-альбoмини** чоп этиш, улардан халқаро миқёсдаги тарғибот воситаси ва **совғалар тўплами** сифатида кенг фойдаланиш;

д) Бухоро Биеннаlesi ҳақида **ҳужжатли фильм** яратиш, шунингдек, ундан фойдаланиш орқали **халқаро даражага олиб чиқиш;**

е) юртимиз туристик жозибадорлигини ошириш, маданий мерос объектиларини **санъат намойиши майдонларига** айлантириш, **мунтазам қайта ташриф буюришга** бўлган қизқишқини шакллантириш.

4. Халқаро замонавий санъат биенналесига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш бўйича **ташқилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташқилий қўмита) тузилсин, шунингдек, унинг таркиби ва асосий вазифалари 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда



Ҳа, мустақиллик — улугъ неъмат. У бизга осон келмади: аждодларимиз қурол кўтариб, қон, кўз эсн тўкиб қўлга киритди. Мустақиллик бу тинимсиз изтироблар, машаққатли йўл ва кўплаб қурбонликлар эвазига халқ қўлига етган шарафдир. Лекин у абадий кафолатланган тўхфа эмас. Ундан айрилиб қолиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Эришиш учун асрлар давомида курашиш керак бўлади, аммо йўқотиш учун баъзан биттагина аҳамиятсиз қадам, биргина лоқайдлик етарли. Шунинг учун мустақиллик ҳам бахт, ҳам масъулият, ҳам эътиқоддир. У фақат қўлга киритиладиган эмас, балки ҳар кун и асраб-авайланадиган, ҳар бир авлод янгидан сақлаб қолиши шарт бўлган муқаддас неъмат.

Дунёда қанча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум, қанчалари парчаланиб, яна мустақил бўлишга интиляпти. XXI асрда ҳам Фаластин халқи ўз давлати учун курашмоқда. Мустақиллик орузидан воз кечмаган, ўз ватани бор, лекин эрки йўқ халқлар қанча?! Шундай пайтда мустақил Ватанига, ўз давлатчилигига эга халқ қандай бахтли эканини ҳис қилмаслик мумкинми?

Бизнинг замин тарихи анча узокқа — **Турон, туркийлар заминига** бориб тақалади. Буюк ипак йўли йўқолгандан кейин юртимиз узок вақт таназзулга учради, буюк бобомиз Амир Темур давридан кейинги зиддиятлар ортидан бўлиниб, парчаланиб кетди. Собиқ иттифоқ таркибида эса йиллар давомида яна ўзлигимизни йўқотдик. Ва ниҳоят 1991 йилда унинг чангалига чек қўйиб, расман тарихий мустақилликка эришдик.

Мустақиллик дегани кўп йиллар давомида тинимсиз меҳнат қилиш, янгиланиш ва ривожланиш демакдир. Масалан, Ҳиндистон 1947 йилда мустақилликка эришди ва бу

Сохта социализм иддаоси

Коммунистлар халқимизни етиб бўлмас хаёллар ва сохта шиорлар билан ишонтирди. “Социализм қурамыз, коммунизм қурамыз,

2000 йилга бориб ҳар бир фуқаро ўз уйига эга бўлади. Ҳокимият шўроларга, ер деҳқонларга, завод-фабрикалар ишчиларга берилади. 2000 йилдан кейин пул деган нарсa ҳам қолмайди, ҳамма товар айирбошлаш йўли билан яшайди”, деб миллионларни орзуларга маҳлўи қилди. Бу иддаолар ташқаридан жозибали кўринса-да, аслида, ҳақиқий “утопия” эди.

Карл Маркснинг “Капитал” асарини ўқиган ҳар ким яхши билади: ибтидоий даврдан то бутунгача ҳар қандай меҳнатнинг ҳам, хизматнинг ҳам қиймати бор. Бозор иқтисодиёти айнан шу ҳақиқат асосида яшайди. Инсон табииати қанчалик инкор этмасин, меҳнатнинг нархи, қиймати бор, бу ҳақиқатни ўзгартириш мумкин эмас. Аммо коммунист-иддао шу ҳақиқатни рад этди, натижада эса бутун бир катта империяни инқирозга етаклади.

“Ҳамма нарсa давлатники, ҳамма нарсa бeпул” деган шиор халққа сингдирилди. Албатта, собиқ иттифоқ катта ресурсларга эга эди: пахта, олтин, нефть, қазилмалар, ма-лакали кадрлар. Бироқ инсонни ҳаракатдан тўхтатган, жамиятдаги ижодий руҳни йўққа чиқарган нарсa айнан шу сохта социализм иддаоси бўлди. У иқтисодиётини юксалтирмади, балки одамларни меҳнатдан советди, боқимандаликка ўргатди.

“Ишласам ҳам, ишламасам ҳам маош оламан” деган фикр оммалашди. Натижада сифатсиз махсулот ишлаб чиқариш, омбор учун ишлаш авж олди. Бозор иқтисодиётининг табиий қонуниятлари эса “буржуазия элементи” сифатида рад этилди. Охир-оқибат шу сохта иддаолар империяни ҳалокатга етаклади, у парча-парча бўлиб, йўқ бўлди.

Шу боис, ҳалигача халқимиз орасида социализм ҳақида жуда жўн, саёз, романтик тасаввурлар яшамоқда. Гўёки ўша тизим **ҳақиқий ҳаёт** эмас, балки **“сароб”** эканини, **чўпқадек** бўлганини тан олиш қийин. Чунки ўша вақт “доҳийлари” томонидан мияларга қўйилган гоғлар ҳануз одамларни қувиб келади. Аммо бу гоғлар билан бутунгача яшаш бутунлай нотўғри.

Мисол учун, Хитой ўз вақтида ва шўро тузуми кулашидан оқилона ҳулоса қилиб, ўз иқтисодиётини бозор қонунлари асосида қурди. У **талаб** ва **таклиф қонуниятини** ишга солди, халқини эса меҳнат қилсагина, яхши яшаш мумкинлигига ишонтирди. Шунинг учун ҳам бутун Хитой иқтисодининг ЯИМ қиймати 18 триллион доллар билан дунёда иккинчи ўринга чиққан. АҚШда ҳам асосий мезон — инсон манфаати. Шу боис, АҚШ ЯИМ қиймати 29 триллион доллар билан ҳануз барқарор ва етакчи.

Собиқ иттифоқда эса барча “манфаатлар” тутатилди. Одамлар ишлаб турган завод ва фабрикаларга номигагина бориб келар, маош эса аризмас эди. Ҳамма гўёки тенг қилиб қўйилди. Лекин тарих кўрсатадiki, мутлақ тенг-лик деган нарсa йўқ. Жамиятда доимо етакчилар, тадбиркорлар, ҳаракатчан инсонлар ва шубҳасиз, лоқайдлар ҳам бўлади. Ана шу та-биий баланс тараққиётни ҳаракатга келтиради.

Собиқ иттифоқ эса сиёсатдаги сунъий тенглаштириш билан бутун жамиятни ло-қайдликка етаклади. Одамлар меҳнатга қи-зқимай қўйди, ижодий руҳ йўқолди. Ва айнан шу сиёсат, **“саробга асосланган социализм иддаоси”** сунъий қурилган империяни ҳало-катга олиб келди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРГАН ТАРИХИЙ УЧРАШУВ

Бошланиши 1-бетда

Савдо-саноат палаталари шафелигида кўр-газма-ярмарка тадбирлари ва ишбилармонлик учрашувларини ўтказиш орқали уч мамлакат ҳудудларини ушбу жараёнларга фаол жалб қилиш тақлиф қилинди.

Гуманитар алоқаларни кенгайтириш дои-расида мамлакатларимиз ва учинчи давлатлар-дан сайёҳлар оқинини кўпайтириш, халқлари-мизнинг бой маданий мероси муштарақлиги, анъана ва урф-одатлари яқинлигини намойиш этиш имконини берадиган туризм ва маданий алмашинувларнинг уч томонлама дастурини қабул қилиш тақлиф қилинди.

“**Яқунда давлатимиз рахбари илгари сурилган ташаббуслар ва эришилган келишувларни амалга ошириш учун “йўл харитаси”ни тайёрлаш, шунингдек, асосий йўналишлар бўйича вазирларнинг қўшма учрашувлари механизмини ишга туширишни тақлиф қилди.**

Музокаралар якунида Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Турк-ман халқининг миллий етакчиси, Халқ Мас-лаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Қўшма баёнот қабул қилдилар.

Етақчилар ҳузурида транспорт ва логисти-ка, кemasозлик ва фуқаро авиацияси соҳала-рида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар, Товар-хомашё биржалари ўртасида ҳамкор-лик тўғрисида битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркман халқининг мил-лий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбан-гули Бердимухамедов ва Озарбайжон Респу-бликаси Президенти Илҳом Алиев музокаралар якунида оммавий ахборот воситалари учун баёнот бердилар.

Президентимиз уч мамлакат халқлари манфаатлари йўлида стратегик шерикликини

ривожлантириш борасидаги қатъий сиёсий иродани яққол намоён этган учрашувнинг са-марали якунларини юксак баҳолади.

Музокараларда транзит йўлакларини ри-вожлантириш, жумладан, Туркманбоши ва Боку портлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, замонавий логистика инфра-тузилмасини биргаликда шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Миллий транспорт тизимлари интегра-циясини чуқурлаштириш мақсадида минта-қадаги мавжуд ва истиқболли йўналишларни ўзаро боғлаш режалари атрофида муҳокама қилинди. Ўзбекистон бу борада ўзаро муво-фиқлашган сиёсат юритиш тарафдори экани таъкидланди.

Бу, биринчи навбатда, халқаро бозорларга чиқишда бизнес учун қулай шароитлар яра-тиш ва тариф сиёсати масалаларидир.

Каспий денгизи орқали логистика инфра-тузилмаси ва паром ташувларини ривожлан-тириш лойиҳалари устида биргаликда ишлаш бўйича келишувларга эришилди.

Бундан ташқари, уч мамлакат ўртасида энергетика соҳасида — углеводород конлар-ни ўзлаштириш ва ишлаб чиқарилган электр энергиясини экспорт қилиш бўйича ҳамкор-лик имкониятлари кўриб чиқилди.

Товар айирбошлаш ҳажмини каррасига ошириш ва саноат кооперацияси қўламини кенгайтириш вазифалари музокаралар кун тартибидан марказий ўрин эгаллади.

“**Миллий ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни рағбатлантириш чоралари кўрилиши ҳамда уч мамлакат ҳудудларининг салоҳиятини жалб этган ҳолда янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун шароитлар яратилиши таъкидланди.**

Етақчилар сув ресурсларидан оқилона фой-даланиш ва экологик таҳдидларга қарши кура-шиш соҳасидаги ҳамкорликини кенгайтиришга

келишиб олдилар. Бундан ташқари, туризм ва маданий алмашинувлар соҳасида қўшма дас-тур қабул қилинади.

Қабул қилинган қарор ва ҳужжатларни амал-га ошириш бўйича ишлар вазирлар томонидан “йўл харитаси” асосида амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида ушбу тарихий учрашув уч мамлакат ўртаси-даги ўзаро манфаатли ҳамкорлики чуқур-лаштиришга, барқарор савдо, транспорт ва энергетика йўлакларини яратишга, шунинг-дек, минтақавий интеграция жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

“**Амалий ташрифнинг маданий дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев биргаликда “Аваза” конгресс маркази ёнидаги махсус майдонга ташриф буюрдилар.**

Олий мартабали меҳмонларга “Талқиниш” миллий от спорти жамоаси ахалтақа зотли тулпорларнинг чиқишлари намойиш этилди. Дунёга машҳур “Талқиниш” от спорти гуруҳи бу йил Монте-Карлода бўлиб ўтган 47-халқаро цирк фестивалида муваффақиятли иштирок этиб, олтин мукофотга сазовор бўл-ди, шунингдек, Истанбулда бўлиб ўтган Хал-қаро этноспорт фестивалида муваффақиятли иштирок этди.

Туркман халқининг миллий етакчиси Ўзбекистон халқига чуқур ҳурмат-эҳтиром рамиз сифатида давлатимиз раҳбарига тўкин-сочинлик ва фаровонлик рамиз бўлган туя ва бўталoқни совға қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркма-нистонга амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ БИЕННАЛЕСИНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

- Куйидагилар:
 - Халқаро замонавий санъат биеннаlesi ўтказиладиган мо-дий маданий мерос **объектлари** (кейинги ўринларда — Биенна-ле объектлари) рўйхати 3-иловага мувофиқ;
 - Халқаро замонавий санъат биенналесига тайёргарлик кў-риш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни **маолияшти-риш** **манбалари** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
 - Белгилан қўйилсинки, Биеннале объектларида:
 - лойиҳалаштириш ва асрашга доир ишлар бўйича Маданий мерос агентлиги **буюртмачи** ҳисобланади;
 - хорижий таниқли мутахассислар билан ҳамкорликда ало-ҳида концепция ва дизайн асосида объектларни **бадий ёритиш** ва асрашга доир ишларни ташкил этиш, инфратузилмаларини яхшилаш, шунингдек, **Тасвирий санъат музейининг янги экс-позициясини** яратиш чоралари кўрилади.
 - Белгилансинки, Биеннале доирасида 2025 йил 31 декабрга қадар Жағмарга ва Маданий мерос агентлиги томонидан шакл-лантириладиган рўйхатларга асосан ва улар белгиланган субъект-лар томонидан импорт қилинадиган техника, жиҳоз, асбоб-ус-куна, санъат асарлари ва уларнинг қисмлари, ашёлар ва бошқа товарлар **божхона божидан озод этилади**.

22 август куни Туркманбоши шаҳрида “Ўзбекистон — Озарбайжон — Туркменистон” форматидagi уч томонлама биринчи саммит бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев иштирок этди.

“Ўзбекистон — Озарбайжон — Туркменистон” минта-қавий ҳамкорлиқнинг янги формати Марказий Осиё учун ҳам, Жанубий Кавказ учун ҳам истиқболли ва аҳамиятли ҳисобланади. Унинг аҳамияти нафақат сиёсий мулоқотни кучайтириш, балки томонларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ҳамда транзит ва савдо учун янги имкониятлар очадиган транспорт алоқаларини ривожлантириш билан ҳам боғлиқ.

Бу формат денгизга чиқиш имкони бўлмаган, транспорт йў-лакларини кенгайтириш ва Евроосиё муносабатларидаги асосий

- Вазирлар Маҳкамаси уч кун муддатда биринчи Биенна-лега тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси, молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда хара-жатлар сметасини тасдиқласин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартришлар ва қўшимча киритилсин.
- Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Маданият ва санъатни ривож-лантириш жағмараси раиси Г.О. Умерова ҳамда Бухоро вилоя-ти ҳокими Б.К. Зарипов белгилансин.
- Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назо-рат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2025 йил 21 август

ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКМАНИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЯНАДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВА ЕВРООСИЁДА ЎСИШ НУҚТАЛАРИНИ ТОПИШ ИСТАГИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

Хорижий экспертлар Туркменистоннинг “Аваза” миллий туристик зонасида бўлиб ўтган уч томонлама учрашув якунлари ҳақида



Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис:

— Халқаро муносабатларни куза-туви мутахассис сифатида Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамо-лигида ишончли ва узоқни кўра оладиган ҳамкор сифатида ўз макенин ишонч бил-лан мустаҳкамлаб бораётганини алоҳи-да таъкидламоқчиман. Сўнгги йилларда айнан унинг сиёсий иродаси билан Ўз-бекистон — Туркменистон ва Ўзбекис-тон — Озарбайжон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Им-золанган стратегик ҳужжатлар, мунтазам учрашувлар ва қўшма лойиҳалар мустаҳ-кам ҳуқуқий асос яратиб, ҳамкорликини

Лью СЮЙ, Жэньминь университети ҳузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича марказ директори ўринбосари (Хитой):



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркман халқ-ининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Берди-мухамедовнинг Авазда бўлиб ўтган музокаралари мамлакатлар ўрта-сидаги стратегик шерикликини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Хитой Марказий Осиёда яхши қўшничилик ва ўзаро ман-фаатли ҳамкорлик намунаси бўлган Ўзбекистон — Туркма-нистон муносабатлари жадал ривожланиб бораётганини юксак қадрлайди. Товар айирбошлаш ҳажмининг 700 миллион доллар-га ошгани, эркин савдо зонасининг ташкил этилиши иқтисодий интеграциядаги ҳақиқий муваффақиятлардан далолат беради.

Айниқса, Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси мақ-садларига мос келадиган энергетика, транспорт ва қишлоқ ҳў-жалғидаги лойиҳалар бўйича ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар эътиборга молик.

“Шовот — Тошовуз” савдо зонасининг ташкил этилиши ҳу-дудлараро ҳамкорлик учун янги имкониятлар очади. Хитой бут-ун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва фаровонликни ҳисса қўлидиган ташаббусларни қўллаб-қувватлашга тайёр.

Ўз навбатида, “Озарбайжон — Туркменистон — Ўзбекистон” уч томонлама формати ҳам халқаро транспорт йўлакларини ри-вожлантириш мантисига мос келадиган минтақанинг транзит салоҳиятини мустаҳкамлаш билан катта қизиқчи уйғотмоқ-да. Хитой буни глобал иқтисодий ўзаро боғлиқликнинг муҳим элементи деб билади ва мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликини янада чуқурлаштиришга умид қилади.

Умуман олганда, ҳозирги музокаралар Марказий Осиё иқ-тисодий ва сиёсий ҳамкорлигининг асосий марказига айланиб бораётганини тасдиқлайди. Хитой бундай конструктив мулоқот-ларни олқийлайди ва минтақани барқарор ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳаларда иштирок этишга тайёр.

бўгин сифатидаги ролини оширишга интилаётган Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга.


Бундан ташқари, саммит доирасидаги ўзаро ҳамкорлик “яшил” энергетика соҳасидаги лойиҳаларни ривожлантиришга ҳам қаратилган бўлиб, расмий Тошкент шериклигининг фаол иш-тирокчиси ва ташаббускори сифатида чиқиш ниятида.

Халқаро экспертлар таъкидига кўра, ушбу форматнинг аҳа-мияти икки минтақа чегараларидан ҳам чиқиб, кенгроқ халқаро ҳамкорлик учун шарт-шароитлар яратади ва бутун Евроосиё мак-онининг геоиқтисодий архитектурасига таъсир кўрсатади.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ: ОДИЛ СУДЛОВ АКАДЕМИЯСИ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Муносабат

Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш ва нуфузини ошириш, судлар фаолиятида одил судловни амалга ошириш бўйича қонунийликни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.



Президентимизнинг шу йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ушбу тизимли ислохотларнинг мантиқий давоми ва муҳим босқичи бўлди.

Мазкур фармон суд тизими учун юқори ма-лакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаш-тириш, таълим, илм-фан ва амалиёт узвийлиги-ни таъминлаш орқали **профессионал судьялар корпусини** шакллантиришга қаратилган.

Фармон билан суд-ҳуқуқ соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини жорий этишдаги қатор устувор мақсадлар белгилаб ўтилган. Суд тизими учун ҳар томонлама етуқ, замонавий билим ва зарур касбий кўникмаларга эга, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш; судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, судья ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимини эгаллаш учун захирадаги судьяларни қайта тай-ёрлаш, таълим олувчиларда судьялик касбий маданиятини шакллантиришга қаратилган дас-турларни жорий этиш шулар жумласидан. Шу-нингдек, бўлажак судьяларда мустақил, ҳолис, бегараз, фақат қонунига таянган ҳолда ва адолат билан иш юритишнинг касбий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига татбиқ этиш ва бошқалар назарда тутилган.

Фармонга кўра, Судьялар олий мактаби не-гизида **Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси** ташкил этилмоқда. Адатта, бу шунчаки ном ўзгариши эмас, балки суд тизими ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини бутунлай янги, сифатли босқичга олиб чиқишга қаратилган стратегик ислохотдир.

Хусусан, академияда таълим жараёни “**устоз-шогирд**” анъанаси асосида, “**бўлажак судьяни судья ўқитида**” тамойилига мувофиқ ташкил этилади. Бу эса, ўз навбатида, назарий билимлар-ни амалиёт билан ўзвий боғлаш, ёш кадрларнинг судьялик фаолиятидаги нозик жиҳатларни тажри-бали устозлардан ўрганишини таъминлайди.

Энди судьялик лавозимига номзодлар акаде-миянинг **олти ойлик касбий қайта тайёрлаш курсларида** давлат гранти асосида тайёрланади.



Акбар ТОШҚУЛОВ, адлия вазيري

Бу жараёнда касбий қайта тайёрлаш курслар-ига киришдан олдин номзодларнинг бенефусон обрў-эътибори, ҳалоллиги ва лаёқати Судьялар олий кенгаши томонидан ўрганилади. Бу эса, ўз навбатида, судьялик лавозимига фақат юксак ах-лоқий фазилатларга эга, виждонли ва ҳалол ном-зодлар танлаб олинишини таъминлайди.

Яна бир муҳим жиҳат мавжуд: судьялик ла-возимига номзодларни тайёрлаш дуал таълим шаклида, “**назария — амалиёт — имитация**” тамойили асосида ташкил этилади. Дуал таълим услуби тингловчиларнинг орттирган билимни амалиётда қўллаш кўникмасини ривожланти-ришга қаратилган бўлиб, қатор хорижий дав-латларда кенг қўлланади. Масалан, Германияда ҳам судьяларни тайёрлашда “**икки босқичли тайёргарлик**” моделига таянилади. Бунда асо-сий эътибор назария ва амалиётнинг узвийлиги-ни таъминлашга қаратилади.

Академияда Олий суднинг “Адолат” ахборот тизимлари комплексидан фойдаланиш ҳуқуқи берилмоқда. Академиянинг профессор-ўқитув-чилари ҳамда тингловчиларига суд амалиётини мунтазам таҳлил қилиш, чиқарилаётган суд ҳуж-жатларини кузатиб бориш имкони яратилди.

Бу эса, ўз навбатида, суд фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунийликни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тав-сиялар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, фармон асосида амалий машғулотлар **деонтологик услубда** ташкил этилади. Бунда тингловчилар тегишли ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар, адвокатура, суд-экспертиза ҳамда бошқа давлат органлари ва муассасалари фаолиятида бевосита иштирок этиши таъминланади.

Суд мажлисларини реал вақт режимида ку-затиш ва судьянинг процессуал ҳаракатларини таҳлил қилиш орқали амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида касбий қайта тайёр-лаш курсларида “**виртуал суд**” машғулотлари жорий этилади.

Эндиликда бўлажак судьяларда **сунъий интеллект** технологияларидан фойдаланиш

“Дунё” АА



Шерзодхон ҚУДРАТХЎҲА, сиёсий фанлар доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

1991 йилда мустақилликка эришганимизда халқ оғир иқтисодий мерос билан юзма-юз қолди. Унда бир тарафлама юртилган, фақат **пахта яккахокимлиги**га суянган иқтисодиёт бор эди. Ўзбекистон яқингача ҳам ўзининг мебель саноати, қандолатчилик, техника ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришига эга бўлишини кўз олдига келтира олмади. Собиқ иттифоқ парчаланганда одамлар орасида **“Биз энди қандай боқилмас, қандай қилиб ҳаётимизни давом эттирамиз?”** деган ҳақдиклар кучайди. Чунки барча махсулотлар марказ ёки қўшни республикалардан келиб турарди. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йиллари халқ учун жуда оғир кечди. Одамлар орасида “Куз келса, яхши яшаймиз”, деган киноли гаплар тарқалиши ҳам ўша пайтда қандай мураккаб жараёндан ўтган бўлишини исботи эди.

Биз ўшанда тўлиқ ишонч билан бозор иқтисодиётига ўта олмадик. Дехқонларга ер ишониб берилмади, давлат қарамогидда бўлган ишлаб чиқаришлар эса хомашё таъминлиги туфайли тўхтаб қолди. Бу оғир жараён 20-25 йил давом этди. Биз қўшни давлатлар каби “шок терапияси”дан ўтмадик. **Миллий валюта** — сўмни ҳам мустақилликдан сўнг бир неча йил ўттиб, фақат **1994 йилда жорий этдик**. Бу эса шу маънода эди: бир расман мустақил бўлганимизга қарамай, иқтисодий жиҳатдан ҳали узоқ вақт мустақил эмасдик.

Тўғри, ҳар бир вилоятда “лидер махсулотлар” яратилиб, улар билан мақтанлиди, четта экспорт ҳақида баландрпарвоз гаплар айтилиди. Лекин амалда **бизда конвергация йўқ** эди. Сотилган махсулотлар учун тўлиқ ва мустаҳкам доллар кிரимини таъминлаб беролмадик. Шу сабабли **чегаралар ёпилди, товар ва хизматлар ҳаракати чекланди**, мамлакатга келадиган туристлар учун виза олиш ҳам қийинлаштирилди. Бу ҳолат халқ онгидида **“Социализм дегани — ҳамма нарсани давлат белгилайди, давлат бошқаради, давлат таъминлайди**” деган фикрни сақлаб қолди.

Мустақиллик йилларидаги машҳур беш тамойилдан бири **“иқтисод — сиёсатдан усту”** деб эълон қилинганди. Амалда эса **бизда на ҳақиқий иқтисод, на соф сиёсат бор эди**. Иқтисодий тизим шунчалик издан чиққан эдикки, ҳатто банкларда нақа ва электрон пуллар ўртасида катта тафовут пайдо бўлди. Пластикдизга пулни нақдлаштириш учун одамлар 20-25 фоиз устамга тўлашга мажбур, бу **“обналичка”** деб аталган қора бозорнинг очикдан очик яшашни эди.

Кредит олиш эса янги азоб, ҳар бир банкнинг ўзига хос **“шапкаси”** бўлар, суниستهъмолилик очикдан очик қўлгоб ёнганди. Одамлар ўз пулига сотиб олаётган машинаси учун ҳам **“набат”**да туриш билан бирга қўшимча тўлов, яъни “шапка” беришга мажбур бўларди. Ишлаб чиқариш, тижорат, ҳатто оддий машини муносабатларда ҳам “откат”лар ҳаётининг бир қисмига айланиб қолганди.

Ўша даврнинг ҳавоси шундай эдикки, одамлар иқтисодий имкониятдан кўра коррупция ва суинстеъмолилик дегорига дуч келарди. Халқнинг меҳнатдан олган ҳақини адолатли сарфлаш эмас, балки ортиқча харажат ва “йўл ҳақи” билан қайтариш одатга айланди.

Президент ташаббуси — ижтимоий давлат сари қадам

2023 йилда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон ижтимоий давлат макомига эга бўлди. Бу давлат сиёсатида инсон қадрини биринчи ўринга қўйиш дегани эди.

Бугун давлат, аввало, кам таъминланган ва камбағал қатламлар, ногиронлиги бор инсонлар, боқувчисидан айрилган оиналар, қийнаётган ва етимларга ёрдам беришни устувор вазифа қилиб олди. Уларнинг ҳаётини яхшилаш, рўзгорини юритиш учун кредитлар тақдим этиши, янги иш ўринлари яратиш, жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш ислохотларининг асосий мақсоди бўлди.

Аваллари пора ва таниш-билишчилик эвазига олинмаган ногиронлик маълумотномалари барҳам топди. ВКК, “Райсобеё” каби коррупцияга мойил тузилмалар йўқ қилинди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мутлақо янги тузилма — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Бу ўзгаришлар нафақат ижтимоий адолатни таъминлади, балки халқнинг давлатга ишончи ва умидини янада кучайтирди.

Ҳар бир давлатнинг олий мақсоди — ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва асраб-авайлашдир. Агар мустақилликнинг илк йилларини

биринчи босқич деб атасак, у даврда асосий сиёсий йўналиш ёпиқлик сиёсатида таянади. Яъни “ёпиқ бўлсак, бизга ҳеч ким таҳдид қила олмайд” деган тушунча билан мустақиллиكنи сақлаб қолишга ҳаракат қилинди.

“**Ҳа, олдинги даврда радикаллашувга йўл қўйилмади, лекин шу билан бирга, ривожланиш ҳам бўлмади. Ўша йиллар “уйқу” режимида ўтди. Одамларимиз ҳеч қандай ривожланиш бўлмаётганини кўриб хорижга кетаверди, кетаверди, кетаверди... “Суриш керак” шиори аҳоли ўртасида, айниқса, ёш ва билимдонлар қатлами орасида доминант ғояга айланди.**

Иккинчи босқич эса тарихий бурилиш нуқтаси бўлди. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган илк кунлариданоқ мустақиллиكنи сақлаш учун фақат ёпиқлик эмас, балки очиклик сиёсати ҳам самарали эканини исботлади. Дунё билан мулоқотга чиқиб, ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини кенгайтириб, ёрдам олиб, ёрдам бериб ҳам мустақиллигини нафақат сақлаб қолиш, балки ривожлантириш мумкинлигини амалда кўрсатди.

“**Бугунги Ўзбекистон мисолида яққол кўряпмизки: дунёга очиқ бўлиш, глобал ҳамкорлик майдонига чиқиш, минтақавий ва халқаро интеграция жараёнларида фаол иштирок этиш мустақиллиكنи мустаҳкамлашининг янги, замонавий йўлидир. Энг муҳими, Ўзбекистон бугун очиқ дунё сиёсатида ўз сўзи ва нуфузига эга давлат сифатида намоён бўлмоқда. Бу очиклик сиёсати нафақат мустақиллиكنи мустаҳкамлайди, балки янги тараққиёт йўлини ҳам очиб бермоқда.**

Сўнгги саккиз йилда ижтимоий соҳада эришилган натижаларга назар ташласак, икки муҳим масалани алоҳида қайд этиш лозим деб ўйлайман. Улар мамлакатимиздаги қурилиш ва “прописка” муаммосидир.

2016 йилга қадар Тошкентда ҳам катта қурилишлар, уй-жой барпо этиш ишлари деярли қўрнимасди. Расмий статистикага мурожаат қиладиган бўлсак, 1991 йилдан 2016 йилга қадар бор-йўғи 3636 та қўп хонадонли уй фойдаланишга топширилган. Бу рақам мамлакат миқёси учун жуда кам. 2017 йилдан 2024 йилгача бўлган даврда қурилган қўп хонадонли уйлар сони эса 12 минг 373 тага етди, яъни 4 карра ошди.

Шу рақамнинг ўзиёқ сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳасида қандай мислсиз ўзгаришлар амалга ошганини яққол намоён этади. Бугун шаҳарларимизда барпо этилаётган янги уй-жойлар, йўллар, кўприклар ва замонавий инфратузилмалар ислохотлар қай даражада ҳаётини ва амалий самара бераётганининг энг ёрқин исботидир.

Узоқ йиллар давомида қурилиш деярли бўлмагани учун доимий “прописка” тизими ҳам ёпиқ ҳолда сақланди. Бу эса мустақиллик сиёсати эмас, балки ўша ёпиқ тизим, тоталитар тузумнинг яна бир қолдиғи эди. Чунки мустақил мамлакатнинг пойтахтига ўз халқи эркин кирилмаса, у ҳақиқий мустақиллик эмас, балки собиқ иттифоқ давридан мерос қолган сегрегация равиждир.

Албатта, вилоятларда ҳам ўзига тўқ, биллимли, замонавий фикрлайдиган инсонлар кўп эди. Улар Тошкентда яшашни, фарзандларини олий таълимга олиб келишни, ўз меҳнати ва иқтидорини билан пойтахт тараққиётига ҳисса қўйишни истарди. Бу табиий эди. Прописканинг очилиши эса янги даврнинг муҳим аломати бўлди. Шу билан мамлакатда миграция жараёни тезлашди.

Миграция уй-жой қурилиши, хизмат кўрсатиш соҳаларини кескин ривожлантирди. Натижада пойтахт аҳолисининг бир қисми шаҳар марказидан четроққа, Бўстонлиқ сингари ҳудудларга кўчишни бошди. У ерда кўчмас мулк нархлари ошди, янги ерлар очилди, янги инфратузилмалар қурилди. Шу билан бирга, Тошкентдаги бадавлат инсонлар ўз капиталли ва бизнесини вилоятларга олиб чиқишга киришди. Бугун Жиззах, Навоий, Қашқадарё ва бошқа ҳудудларда чорвачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларига сармоя йўналтирилмоқда.

Шу тариқа пойтахтда тўйинган капитал ҳудудларга чиқди. Бу эса фақат марказ эмас, балки бутун республика ривожланаётганининг яққол исботидир. Энг муҳими, бу жараён **социализмдагидек боқимандаликни** яратмади. Чунки **ижтимоий давлат** дегани ҳамма нарсани давлатдан куттиш эмас, балки ҳар бир инсонга имконият эшигини очиб беришдир. Имконият бор жойда эса тараққиёт ҳам, адолат ҳам бўлади.

Биз узоқ йиллар давомида расмий ҳужжатларда камбағаллар сонини камайтириб кўрсатиш, уларни йўлдек ҳисоблаш билан банд бўлдик. “Камбағал” сўзини ишлатишдан уялиб, унинг ўрнига “кам таъминланган” деган сўзни оммалаштирдик. Аммо бир ҳақиқатни англашимиз шарт: **камбағаллик абдий ҳолат эмас. У — транзит босқич**, ҳаракат ва имконият берилса, инсон ундан чиқиб кета олади.

Бироқ социализм асосига қурилган камбағаллик тамоман бошқача эди. Унда одамларда боқимандалик кайфияти кучайди, ижтимоий пассивлик урчиди. Шунинг учун ҳам у ўтиб кетмайдиган, одамларни ўз ичига тортиб қоладиган ҳолатга айланди. Одамларнинг ногиронлик нафақаси олиш учун талашиб-тортишиши, давлатдан ортиқча таъма қилиши — бу ҳолат қанчалар ачинарли эди!

Бугун эса вазият бутунлай ўзгарди. Янги Ўзбекистонимиз меъмор — Президентимиз ислохотларнинг асосида одамларни боқиб эмас, балки уларни боқимандалиқдан чиқариш ғояси турибди. Инсонга нафақат нафақа, балки иш ўрни, кредит, ўзини ўзи банд қилиш имконияти яратилди. Яъни давлатнинг вазифаси инсоният имконият бериш, унинг қобилиятини рўёбга чиқариш, унн тўлақонли жамият аъзосига айлантиришдир.

Тадбиркорлар — юрт тараққиётининг драйверлари

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик салоҳияти жадал ривожланди, юртимизнинг иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи омилга айланди. Бугун Ўзбекистонда йирик бизнес ва савдо тармоқлари нафақат пойтахтда, балки барча ҳудудларда халққа хизмат қилаётгани, мамлакат иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётгани сир эмас.

Масалан, “Корзинка” мисоли. Илгари Зафар Хошимовнинг барча дўконлари фақат Тошкент билан чекланган, у вилоятларга маблаг киритишга эҳтиёкорона қараган. Аммо бугунги кунда ушбу тармоқ бутун Ўзбекистон бўйлаб ўз шохобчаларини очди.

Бу улкан йўл қандай босиб ўтилганини рақамлар яққол кўрсатади: 2016 йилга қадар “Корзинка” таркибида бор-йўғи 17 та дўкон бўлган бўлса, ҳозирда улар сони 163 тадан ошди. Бу орқали давлат бюджетига ҳар йили 1 триллион 325 миллиард сўмдан зиёд тушум келмоқда. Тармоқнинг энг катта ютуқларидан бири — у 12 мингдан зиёд фуқаронни иш билан банд қилгани, минглаб маҳаллий тадбиркорларни эса ўз махсулотларини “Корзинка” расталари орқали харидорга етказиш имконияти билан таъминлагани бўлди. Бу дегани, бир савдо тармоғи нафақат чакана савдонин, балки маҳаллий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳам тубдан жонлантирмоқда.

Бундай мисоллар жуда кўп. Улар иқтисодий ўсishнинг асосий драйверлари сифатида нафақат ички бозорни тўйинтирмоқда, балки янги иш ўринлари, сифатли махсулотлар ва шафдоф солиқ тизимини шакллантиришга ҳам хизмат қилмоқда. Шу йиллар давомида бутун дунёда кузатилган глобал пандемия иқтисодий кўрсаткичларга катта зарба берганини инкор етолмайми эди. Бироқ тадбиркорлиқнинг кучли салоҳияти туфайли бу тўсиқлар босиб ўтилди. Агар пандемия бўлмаганди, ривожланиш янада юқори суръатларда кечилиши аниқ эди.

Бугун эса Президентимизнинг тадбиркорларга яратиб берган кенг имконият ва имтиёзлари натижасида бу жараён янги босқичга чиқди. Солиқ юки енгиллаштирилиши, кредит сиёсати либераллаштирилиши ва тадбиркорлиқнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши — буларнинг барчаси юртимизда хусусий секторнинг давлат тараққиётидаги улушини янада оширмоқда.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлар бугунги Ўзбекистон тараққиётининг ҳақиқий ҳаракатлангируви қувватидир. Улар орқали юртимизда ишлаб чиқариш чуқурлашмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда, халқимиз турмуш сифати юксалмоқда.

Ана шу хизматлар юксак баҳоланаётганидан далолат сифатида жорий йил 20 август кунин Президентимиз тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлади, иқтисодий эркинлик ва солиқ имтиёзлари учун янада кенг йўл очди. 20 минг тадбиркорнинг солиқ қарзи билан боғлиқ муаммоларини улар кутмаган миқёсда ижобий ҳал қилиб берди. Керак бўлса, йирик тадбиркорлар кўрагига орден ва медаллар тақди. Бу бугунги ислохотлар даврида тадбиркорлиқнинг қанчалик юксак қадрланиши ва давлат тараққиётидаги бекиёс ўриндан далолат.

Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси тадбиркор шахсини нафақат иқтисодий жараёнлар иштирокчиси, балки янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий устуни сифатида кўраётганининг ёрқин ифодасидир. Демак, мамлакатимиз тараққиётида тадбиркор давлат ва халқнинг энг ишончли таянчига айланмоқда.

Президентимиз айтганидек, **“Янги Ўзбекистон тараққиётини, истиқболини таъминлайдиган куч бу — тадбиркорлар. Давлатимизнинг бой қиладиган куч бу — тадбиркорлар. Халқимиз, оиналар ҳаётини фаровон қиладиган куч бу — тадбиркорлар”**.

Бугун нолиганлар кимлар ва улар нима қилиши керак?

Барча даврлар ва барча жамиятларда нолувчилар бўлган ва ҳозир ҳам бор. Америкада ҳам, Европада ҳам, Япония ёки Россияда ҳам уларни учратиш мумкин. Чунки одамлар турлича фикрлайди, уларнинг билим даражаси, қарашлари ва ижтимоий ҳолатлари ҳам турлича.

Ҳақиқат шуки, дунёда барча нарса мукамал эмас. Лекин инсон табияти шундайки, у меҳнат ва ҳаракат орқали ўз ҳаётини обод қилишга қодир. Уинни қуриши, атрофини гўзаллаштириши, боғига дарахт екиши, гуллар билан безаши орқали бу дунёни ўзи учун қимматли ва муносиб масканга айлантира олади.

Мустақилликдан кейин бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтиш кечикди. Шунинг таъсирида жамиятда ҳали ҳам социализм асоратлари билан яшайдиган, давлатдан кўпроқ кутадиган, тайёргча ҳавас қиладиган авлод қачини қолди. Бу, айниқса, ёши каттароқ, шўро даврида яшаган инсонлардир. Улар ўтмишдаги арзончилик, барча нарсанинг давлат томонидан тақсимланишини соғинади.

Бироқ бу ҳолат учун уларни маломат қилиш эмас, балки англаш керак: уларнинг онгига социализм ва коммунизм ғоялари чуқур сингдирилган эди. Шунинг учун уларнинг янги иқтисодий муносабатларга мослашиши қийин кечади, бу ҳақиқат. Аммо ҳаёт талаб қиладиган ҳақиқат шуки, ҳар ким ўз тақдирининг эгаси, фаровонликка эришишининг энг тўғри йўли эса меҳнат, ташаббус ва ҳаракатдир.

Лекин эрта тонгдан туриб, “Менинг бахтим ва омадим калити фақат ўз қўлимда” деб ишга отланадиган инсонлар — Жаҳонгир Ортиқхўжаев, Зафар Ҳошимов, Фарход Маматжанов, Баҳодир Абдурайимов, Мурод Назаров, Фахриддин Илёсов, Шухрат Эргашев, Шавкат Шарипов, Шухрат Илҳомов, Абдуҳшом Исмоилов, Ҳикмат Абдурахмонов, Альфия Мусина, Лазиз Адхамов каби кўпалаб тадбиркорлар бор. Улар ишга шунчаки пул топиш учун эмас, балки яратувчанлик, ислохотлар, янги ғояларни амалга оширишдан руҳий қувват ва энергия олиш учун жону дили билан киришади.

Кимдир эса бу пайтда норозилик кайфияти билан йўғонадию ижтимоий тармоқларда барча “негатив” фикрларини тўқиб-сочади. Лекин иши, ташвиши, масъулияти бор одам ижтимоий тармоқларда вақт йўқотиб ўтирмайди — муваффақиятли инсонларнинг вақти иш билан тўлган. Шу боис, кўп ҳолларда “негатив” ёзиб ўтирувчилар ҳаётини виртуал оламга боғлаб қўйган, ўз кучига ишонмайдию одамлардир.

Дунё тажрибаси ҳам шундан далолат беради: Илон Маск, Жек Ма, Стив Жобс ёки Билл Гейтс каби машҳурлар ўйлаб, ҳатто излаб лойиҳалардан фақат биттисини омадлик қилган, қолганлари омадсизликка учраган. Лекин улар ҳеч қачон шаштидан тушмаган, биргина муваффақият учун ҳам қувонган ва яна йўл излашда давом этган. Шунинг учун ҳам бугун дунё тавakkалчи, жасур ва позитив инсонлар атрофида айланмоқда.

Албатта, Аллоҳ барчани ҳам тадбиркор қилиб яратмайди. Лекин шу ўринда Амир Темур бобомизнинг теран сўзлари едимга тушади: **“Шибилармон, мардлик ва шижоат эгаси — тадбиркор ва ҳушёр киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан афзалдир”**. Бу ҳақиқатни ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанснинг пойдевори сифатида

Биз ўтган асрнинг турли даврларида кўп-лаб шиорлар остида янадик. “Ерғут коммунизм йўлида”, “Беш йиллик режалар”, “Қолхоз ва бригада пешқадамлиги билан” каби шиорлар муайян вақтда жамиятни руҳлантирди, одамларга мақсад берди. Кейин мустақиллик йилларида ҳам маънавият ва келажак ҳақидаги турли шиорлар майдонга чиқди. Улар замон эҳтиёжига кўра маълум маънода ўз вазифасини бажарди, аммо вақт ўтиши билан кўпчилик учун шиорлар сўздан наригга ўтмай қолга бошлади.

Халқ Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига келганда, у қандай ғоя орқали мамлакатни бирлаштиришни интизорлик билан кутди. Лекин Президентимиз бошқалардан фарқи равишда халқни **янги шиорлар билан эмас, балки аниқ амалий мақсадлар билан руҳлантирди**. Олий таълим тизимини яхши билган, илм аҳли ичиди етишган маърифатпарвар раҳбар сифатида шундай деган эди: **“Бизга керак бўлган келажак билим билан, илм билан, маърифат билан яратилади”**.

Шунинг учун ҳам бугун янги Ўзбекистоннинг асосий ғояси Учинчи Ренессанс бунёд этишдир. Чунки ҳақиқий ривожланиш йўли кенг қўламли ислохотлар билан бирга маърифат, илм ва юксак билимли авлодни тарбиялашдан бошланади.

Ҳар бир ривожланган давлат тажрибаси шунга далиллик, тараққиётнинг ҳақиқий пойдевори илмда. Хитой бугунги қудратига табиий бойликларни ҳисобига эмас, балки илм-фан ва технологияларга қаратилган улкан сармоясини орқали эришди. Германия Иккинчи жаҳон урушидаги вайронгарчиликдан санаот ва таълим тизимига таяниб тикланди. Нефти ҳам, гази ҳам йўқ Сингапур эса йўлини билимли ёшлар ва самарали бошқарув орқали топди. Япония ҳам шунга ўхшаш йўлдан борди, асрлар давомида интизом ва билим билан қайта тикланди.

Президентимиз ҳам айнан шу ҳақиқатни чуқур англаб, янги Ўзбекистоннинг келажани илм ва маърифат билан боғлади. Агар ўтмишда Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврлари бўлган бўлса, Учинчиси ҳам бўлиши табиий. Чунки тарих гилдирак каби айланади. Бугунги ўзбек ёшлари — Учинчи Ренессанснинг асосий кучи. Шу боис, таълим соҳасидаги ислохотлар биринчи даражали вазифа сифатида белгиланди. Илгари олий ўқув юртларига қабул кўрсаткичи бор-йўғи 9 фоизни ташкил етарди, у ҳам қўпична пора ва адолатсиз йўллар орқали амалга ошарди. Натижада ўн минглаб ёшлар билим олиш имкониятсиз қолган. Бугун эса вазият бутунлай ўзгарди: мамлакатимизда 205 та университет мавжуд, уларнинг ями давлат, ярми нодавлат ва хорижий университетлардир.

Тошкент ҳақли равишда “талабалар шаҳри” деб аталмоқда. Бир миллионга яқин талаба бугун илм оляпти. Бу нафақат мамлакат ичиди, балки жаҳон миқёсида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон олий таълими

юқори рейтингга кириш ва таълим марказига айланиш сари қадам ташлаяпти. Яқинда хорижий сафарлардан бирида ўзга мамлакат олимлари мендан ҳайрат билан “Нега сизларда университет кўп?” деб сўради. Бунинг жавоби аниқ: янги Ўзбекистон билимга чанқоқ, малакали кадрлар етиштириш йўлидан кетаяпти.

Энг қувонарлиси, “Эл-юрт умиди” жамгармаси орқали минглаб ёшлар Гарвард, Стенфорд, Кембридж, Йелл ва Нагоя каби олийгоҳларда таҳсил олмақда. Улар қайтган, чеккада қолиб кетмаётти, балки давлат бошқарувда, вазирликларда, йирик агентликларда фаолият олиб борапти. Масалан, Алишер Саъдуллаев каби ёшлар бутун катта масъулиятли лавозимларда ишлаяпти. Улар улопик шиорларга ишонмайдиган, ҳақиқий натижа ва шахсий меҳнатига суянадиган авлод.

Биз аввал таълимдан кўрқар эдик: одамлар чет элга чиқшини чеклардик, доллар олишни қийинлаштирардик, четга чиқиш учун стикер талаб қилардик. Энди эса ҳаммаси очик: стикер йўқ, банкдан бемалол доллар оласиз, чет элга чиқиш эркин. Қўшни давлатлар билан муносабатлар очилди. Ҳозир Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш ва қўшни мамлакатлардан минглаб талабалар Ўзбекистонда ўқимоқда. Университетларда хорижий профессорлар фаолият олиб борапти. Бу жараёнларнинг натижаси тез орада сезилади: билимли, замонавий фикрлайдиган ёшлар даври келмоқда.

Боболаримиз айтган: “Дангасанинг ёстиғи тағида райхон, бойнинг ёстиғи тағида тикан бўлади”. Ишқмас инсон тундан тонггача райхон исини ҳидлаб ухлайди, унда масъулият ҳам, ташвиш ҳам у даражада кўп эмас. Шибилармон инсон эса тикан устида ётгандек, эрта туриб, ўз ер-экинлари, ишчилари учун қайғириб, янада кўпроқ кучнати қилади. Тараққиётга етаклайдиган меҳнат бoш мезони фаол ҳаракат ва билимга интилишдир.

Президентимизнинг умиди ҳам ана шу боболаримиздек буюк авлод етишиб чиқишида. Чунки тарихимизда Имом Бухорий, Хоразмий, Беруний, Мотуридий, Форобий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Али Қўшчи каби жаҳон илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ эзотлар етишиб чиққан. Уларга фақат фахрланиб қарашгина етарли эмас, балки уларнинг машаққатга тайёрлиги, илмга чанқоқлиги, зулуксиз изланишга интилишидан ибрат олишимиз зарур. Улардаги илм ва меҳнатга садоқат руҳи бизда ҳам уйғонмоғи, янги авлодни ҳаракатга ундаши керак. Президентимизнинг барча ислохотлари ва таълимга қаратган эътибори ҳам ана шу руҳни қайта жонлантиришга хизмат қилади. Чунки келажакда янги Ўзбекистоннинг қудрати илмли, изланувчан ва масъулиятли ёшлар қўлида бўлади.

Ўзбекистоннинг географик тақдири ва ундан келиб чиққан сабоқлар

Ўзбекистон жойлашуви ҳақида гапирганда кўпична “Марказий Осиёнинг чорраҳаси, маркази, юрағи”, дея гурур билан таъкидлаймиз. Бу таъриф айрим жиҳатдан тўғри бўлиши мумкин, бироқ бизнингча, мамлакатимиз географик жойлашуви бир вақтнинг ўзиде катта синов ҳамдир. Чунки Ўзбекистон дунёдаги денгизга чиқиш имконияти йўқ йирик давлатлардан бири. Қарийб 38 миллион аҳоли яшайдиган бу юрт барча махсулотни амалга ошириш учун камида учта давлат орқали денгиз йўлларига чиқишга мажбур.

Бу ҳолат табиий равишда иқтисодиётимизга ҳам таъсир қилади. Йўллар ёпишгани ёки қўшни мамлакатлардаги зиддиятлар сабаб биттагина контейнер махсулотининг нархи икки баробарга ошиши мумкин. Бу эса логистика харажатларини кўпайтириб, иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистоннинг ҳар бир қадами фақат ички ислохотлар билан эмас, балки ташқи муносабатлар ва қўш-ничилик сиёсатини ҳам пухта ўйлашга чорлайди.

Асрлар давомида бу муаммоларга тарихий ечим сифатида Буюк ипак йўли хизмат қилган. У Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган буюк мўъжиза эди: савдо орқали нафақат махсулотлар, балки ғоялар, илм-маърифат ва маданиятлар алмашган. Ўша замонларда Ипак йўли интернет вазифасини бажарган, дунё цивилизациясини уйғун ривожлантирган. Бироқ Васко да Гама ва унинг замондошлари сув йўллариини очган, қуруқлик орқали савдо аҳамиятини йўқотди. Чунки сув йўллари ҳам арзон, ҳам қулай эди.

Мана шу йўқотишлардан кейин минтақамиз секин-аста кучдан қолди. Бу эса кейинги асрларда бошқа кучлар томонидан босиб олинишимиз ва бўлиниб кетишимиз сабабларидан бири бўлди. Аммо тарих бир нарсани кўрсатди: **географик ҳолат тақдир бўлиши мумкин, аммо ундан тўғри сабо**

ТАДБИРКОРЛИК ФАҚАТ ФОЙДА КЎРИШДАН ИБОРАТ ЭМАС

Аҳмаджон САЛОЕВ, тадбиркор Самарқанд вилояти

Юртимизда бугун тадбиркорликка берилаётган эътибор, давлат раҳбарининг ҳар йили 20 август куни улар билан очиқ мулоқот ўтказиши мамлакатимизда бизнес муҳити қандай улкан ўзгаришларга юз тугганини яққол кўрсатади.

Мен ҳам ана шу тадбиркорлар қаториданман. 2014 йилда фаолиятимни оддий кабоб тайёрлашдан бошлаганман. Меҳнат ва изланишларим, давлатимиз томонидан берилаётган имкониятлар туфайли бугун 20 та ресторан фаолиятини йўлга қўйдим. Энг асосийси, 1000 нафар фуқарога доимий иш ўрни яратдик.

Бунинг ортида фақат бизнес эмас, балки юртга хизмат қилиш ҳисси ҳам бор. Ҳар бир ишчи-ходимга ойлик тўланганда, ҳар бир миқдор мамнун бўлганда юртим ривожига ҳисса қўшаётганимни ҳис қиламан.

Фаолиятимда халқаро ҳамкорликка ҳам жиддий эътибор қаратяпман. Хитойлик ҳамкорларим билан 15 миллион долларлик тўғридан тўғри инвестиция лойиҳасини амалга оширдик. Японияга бориб, у ердаги хизмат кўрсатиш маданиятини, таълим тизимини ўргандим. Эътибор берсам, сервис келажак соҳаси экан. Шу боис, Япониядаги сервис хизматини юртимизда жорий этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу орқали ёшларимизга сервис йўналишида чуқур таълим бериш, уларни ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган мутахассисларга айлантиришнинг мақсад қилдик.



Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги инвестиция муҳити кескин ўзгарди. Илгари хорижий инвесторлар бизга эҳтиёткорлик билан қарарди. Бугун эса ўзлари келиб, шериклик таклиф қиляпти. Бу — юртимизга, салоҳиятимизга бўлган ишонч белгиси.

Олдимга янада катта мақсадлар қўйганман. Яқин истиқболда дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам миллий

ресторанларимизни очиш, Ўзбекистон брендини дунёга танитиш ва 5000 тагача янги иш ўрни яратиш ниятим бор. Бу орқали нафақат бизнес, балки юртимизнинг туризм салоҳиятини ҳам оширишга ҳисса қўшмоқчиман.

Тадбиркорликни, аввало, даромад манбаи эмас, балки юртга хизмат қилишнинг, инсонларга ёрдам беришнинг, келажак фаровонлиги учун ҳисса қўшишнинг самарали йўли сифатида кўраман.

Бугунги эркин, очиқ ва қонун устуворлиги таъминланаётган муҳитда ҳар қандай юрт фарзанди орзу қилган ишини бошлаши, уни амалга ошириши ва келажакка қатъий қадам ташлаши мумкин. Бунда эса асосий масала — ишонч, интилиш ва тинмай ҳаракат қилиш демек.



Инновация

Бир пайтлар сув фақат тириклик, табиат ва инсон мавжудлигининг асоси эди. Кейинчалик у инсон ҳаётининг бошқа жабҳаларида ҳам ўз ўрнини топди: деҳқончиликда сўғориш манбаи бўлди, транспорт йўлига, шаҳарлар ва цивилизацияларнинг пайдо бўлишида ҳал қилувчи омилга айланди. Ҳаттоки тарихда сув ресурслари учун олиб борилган курашлар унинг ҳукмронлик тимсоли бўлганини кўрсатади.

Бугун эса янги воқелик юз бермоқда: сув энди энергетика соҳасидаги стратегик қудрат, иқтисодий суверенитетнинг таъминловчи муҳим манба сифатида намён бўлмоқда. Замонавий технологиялар дарё оқимида фақат энергия эмас, балки миллилатнинг келажакга назар ташлаш, маҳаллий муҳандислик салоҳиятини кўришга имкон берамқда. Бугун ҳар бир сув оқимида электр энергияси, индустриал ривожланиш ва иқтисодий мустақиллик потенциалли мужассам.

Энергия инсоният тараққиётининг яширин қонуни, глобал сиёсатнинг кўринмас калити ва ҳар бир давлат мустақиллигининг негизи ҳисобланади. Дунёда энергияни қим қадердан ва қандай олаётгани, уни қандай ишлатаётгани, қанчалик самарали бошқариётгани ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг муҳим омилдир.

Айниқса, глобал иссиқ, табиий ресурсларнинг тугаб бориши, халқаро энергетик қарамлик хатарлари фониди қайта тикланувчи энергия манбалари энди танлов эмас, балки заруратга айланди. Бу жараёнда гидроэнергия алоҳида ўрин тутди. Табиий

САНОАТ ФАЛСАФАСИ

ЁХУД ГИДРОЭНЕРГЕТИКАДА ТЕХНИК САЛОҲИЯТ — ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

сув оқимларидан фойдаланган ҳолда электр энергиясини олиш нафақат экологик тоза ва қайта тикланувчи манба ҳисобланади, балки узоқ муддатли иқтисодий барқарорликка хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳам бугун ана шу муҳим йўналишда дадил қадам ташламоқда. Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудлари, тез оқимли дарёлари ва мавжуд гидроресурслари унинг энергетикадаги истиқболлини белгилаб бермоқда. Бу имкониятларни тўлиқ рўёбга чиқариш учун эса нафақат ГЭСлар қурилиши, балки улар учун ускуналарни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш ҳам зарур. Бу жараённи реал тарзда таъминлаётган лойиҳалардан бири “UzHydroPower” қўшма корхонасидир.

Хитойнинг “Zhejiang Jinlun Electromechanic Co., Ltd.” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мажмур қўшма корхона ҳозир 1 киловаттдан 40 мегаваттгача бўлган турли қувватдаги гидроагрегатлар, турбиналар, генераторлар, сув насослари ва сув омборлари учун металл конструкциялар ишлаб чиқармоқда.

Заводнинг энг муҳим устунликларида бири — маҳсулотларининг маҳаллийлаштириш даражаси. Бугун “UzHydroPower” да ишлаб чиқарилаётган ускуналарнинг 72 фоиздан ортиғи маҳаллий ҳомашё ва қисмлар асосида тайёрланмоқда. Бу фақат иқтисодий фойда эмас, мустақиллик тимсоли ҳам демек. Импортга бўлган эҳтиёж камайиб, ўзимизда

ишлаб чиқариш кенгаймоқда. Шу билан бирга, янги иш ўринлари яратилмоқда, муҳандислик салоҳияти ривожланмоқда, мамлакат технологик барқарорликка эришмоқда.

Сифат ва рақобатбардошлик масаласида ҳам завод ўзини тўлиқ оқламоқда. Хитойдаги ўхшаш ускуналарга нисбатан 12 фоиз, Россиядан эса 27 фоиз арзон ускуналар маҳаллий маҳсулотнинг экспорт салоҳиятини яққол намён этипти.

255 мутахассис меҳнат қилаётган корхонада 5 та ишлаб чиқариш цехи бор, 80 дан зиёд замонавий ускуна жойлаштирилган. Яқин йилларда ишчилар сонини 350 нафаргача етказиш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмини шунга мос равишда ошириш режалаштирилган. Уларнинг меҳнат шароити нафақат иш жойида, балки яшаш, дам олиш ва ўқиш имкониятлари билан ҳам таъминланган. Корхонадаги “устоз-шогирд” аниқлиги, Хитойдаги тажриба алмашув курслари ва 60 нафар мутахассисни хорижда ўқитиш режаси — буларнинг барчаси кадрлар салоҳиятига қаратилаётган эътибордан далолат беради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда гидроэнергетика соҳасида 430 мегаватт қувват яратилди ва умумий қувват 2,3 гегаваттга етказилди. “UzHydroPower” заводи томонидан ишлаб чиқарилган ускуналар Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятидаги бир қатор кичик ГЭСларда муваффақиятли ишга туширилган. Бу фақатгина лойиҳалар



рўйхати эмас, балки маҳаллий ишлаб чиқаришнинг амалда самарасини кўрсатади.

Ҳозирги кунда “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг йирик истиқболли лойиҳалари учун “UzHydroPower” заводида ускуналар ишлаб чиқаришмоқда. Жумладан, Чотқол ГЭС (90 МВт) ҳамда Норин дарёсида қурилаётган Норин ГЭСлар каскади (228 МВт) учун зарур жиҳозлар тайёрланиб, етказиб бериляпти.

2026 йилдан эса “UzHydroPower” маҳсулотларини қўшни давлатларга экспорт қилиш режалаштирилган. Бу ишлаб чиқаришнинг янги босқичи, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, минтақавий энергетик бозордаги нуфузини мустаҳкамлаш демекдир.

Сув бугун энергетика манбаи. Лекин у билан бирга интеллектуал қуч, ишлаб чиқариш салоҳияти, иқтисодий барқарорлик ва миллий суверенитет ҳам оқиб келмоқда. Шу маънода, “UzHydroPower” миллий технология, иқтисодий эркинлик сари ташланган амалий қадамдир.

Гидроэнергетика шунчаки энергия эмас. У айни пайтда келажакни қурадиған, табиий захиралардан оқилона фойдаланишни ўргатадиган, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақловчи, барқарор тараққиёт пойдеворидир. Ва Ўзбекистон ана шу энергия сари оқиб келаятган сув оқимида ўз мустақиллиги, технологик юксалиши ва келажакни англамоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, яқин истиқболда “UzHydroPower”нинг барқарор иш фаолияти нафақат Ўзбекистоннинг гидроэнергетика соҳасидаги етакчи мақомини мустаҳкамлайди, балки мамлакатимизни глобал миқёсда гидроагрегатлар ишлаб чиқарадиган нуфузли давлатлар қаторига қўшиши табиий. Бу орқали юртимиз нафақат ички энергетика бозорининг эҳтиёжларини тўлақонли таъминлайди, балки стратегик маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш, янги экспорт салоҳиятини оширишга ҳам йўли очилади.

Завод фаолияти натижасида маҳаллий ишчи кучи, муҳандислар ва ёш

меҳмонхона ва туризм масканларини ташкил қилиш учун 5000 гектар ер аукционга чиқарилади. Меҳмонхона қўрмоқчи бўлган тадбиркорлардан ер сотиб олиши учун тўлов ўндирилмайди. Эвазига давлат шу сумма билан лойиҳага улушдор бўлиб қиради.

Меҳмонхона қуриш учун 7 йил муддатта 2 йиллик имтиёзли давр билан вилоятлар маркази ва туризмга ихтисослашган 36 та туманда 30 миллиард сўмгача, бошқа ҳудудларда эса 10 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилиши жуда катта янгиллик бўлди. Нафақат меҳмонхона қурилиши, балки давлат объектларини қайта меҳмонхоналарга айлантиришда субсидия қўлланиши алоҳида эътирофга лойиқ. Амалдаги тартибга кўра, оилавий меҳмон уйлари сайёҳларни қабул қилиши бўйича кунлик меъёр 10 нафардан ошмаслиги белгиланган. Энди бу рақам икки қарра кўпайтириладиган бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг “Ҳеч нарсадан қўрқманг, интилиш ва изланишдан чарчаманг, фақат олдинга, катта марралар сари дадил қадам ташланг!” деган гапи бизга яна ҳам куч бағишлади. Бугун ҳар бир тадбиркорнинг тақлифига қулоқ солияпти, муаммоларига ечим топиляпти. Буларнинг барчаси қулай бизнес муҳити, имконият ва янги ўзгаришлардан далолат бермоқда.

Вилоятларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида меҳмонхона ходимлари учун 2024 йили 1107 та, 2025 йили август ойига қадар эса 496 та семинар-тренинг ташкил қилдик. Бу ишлар давом эттирилади. Президентимиз ташаббусидан руҳланиб, олдимизга катта режалар қўйдик. Барча савй-ҳаракатимизни мамлакатимизнинг иқтисодий юксалиши, юрт равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қилишга йўналтирамиз.

ГУЛЧИЛИКДА ҲАМ БИЛИМ ВА ТАЖРИБА МУҲИМ

Кейинги йилларда соҳага илм-фан ютуқлари ва инновацион лойиҳаларни олиб кириш, шу йўналишда меҳнат қилаётганларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга эътибор қучайди. Мана шундай рағбат туфайли Қува тумани гул, мевали ва манзарали дарахт қўчатларини етказиш бўйича етакчи ҳудудлардан бирига айланди. Замонавий ёндашувлар асосида гулчилик ва қўчатчилик плантациялари ташкил этилиб, тармоқда юқори даромадли иш ўринлари очилляпти, экспорт салоҳияти тобора юксалишига эришиляпти.

Томорқаларда гул етиштириш, ички ва ташқи бозорга сотиш, янги навлар яратиш борасидаги тажрибамиз билан яқиндан танишган Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ташаббуси билан дастлаб Қува туманида 30 гектар ер ажратиб берилди. Бу гул, қўчат етиштириш борасидаги имкониятларимизни янада кенгайтди. Фарғона шаҳри ҳудудидаги 100 гектар ерда анвойи гуллар плантациясини барпо қилдик. Бу гулчи ва қўчат етиштирувчиларни бир жойда жамлаш, назарий ва амалий билимларни ўзаро уйғунлаштириш, тажриба алмаштириш имкониятини берди. Гулчилик йўналишида илмий изланишлар йўлга қўйилиб, жаҳон бозорида энг ноёб ва харидорғир бўлган гулларни олиб келиш ҳамда маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш билан шугулланиляпти.

Сўнгги уч йилда мамлакатимизнинг барча вилоятида анвойи гул аллеялари, йилнинг тўрт фаслида ҳам чаман бўлиб очилиб турадиган гулзорлар барпо этишга ҳисса қўшиб келямиз. Биргина

Фарғона шаҳрининг ўзида 250 минг тупдан зиёд гул экилди. Ландшафт архитектураи асосида экиладиган атиргуллар тури 500 дан зиёд бўлса, манзарали дарахт қўчатлари 100 хилдан кўпроққа етган.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Фарғона шаҳридаги ташландиқ ҳудудда атиргул ҳамда мевали ва манзарали дарахт қўчатлари савдоси йўлга қўйилиб, “Гуллар олами” МЧЖга асос солдик. Корхонамизнинг тажрибали мутахассислари аҳоли хонадонлари, корхона-ташкilotлар ҳудудини экин экишга тайёрлашдан тортиб, агротехник ишлов бериш, парваришлашгача бўлган барча жараёнда яқиндан қўллашлади.

Меҳнат қилиб кам бўлмадик. Сўнгги уч йилда 10,3 миллиард сўмлик атиргул қўчати сотилди, 10 дан ортиқ замонавий техника харид қилинди. “Устоз-шогирд” аниқлиги бўйича 50 га яқин ёшга соҳа сирларини ўргатиб келяпмиз. Маҳсулотларимиз қўшни мамлакатлардан ташқари Германия, Туркия сингари давлатлар бозорига кириб борди.

Президентимизнинг фармонида кўра, Тадбиркорлар кўни арасида “Шуҳрат” медали билан тақдирланганим ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлиб қолади. Бу юксак рағбат нафақат меннинг, балки барча фарғоналик гулчи бобонлар меҳнатининг эътирофи деб биламан. Бундай ишонч ва ғамхўрликка муносиб бўлиш зиммामизга катта масъулият юклайди. Гўзал дийрбинини чаманзорга айлантириш йўлида бундан буён ҳам камарбаста бўламиз.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



БАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

Қирларингда қийқиради чавандозлар,
Сойларингда кокил ювар сарвинозлар,
Байроғимда қанот қоқар юрак розлар,
Биз бирлашдик, жонлар бўлсин пояндозлар,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Тошни ёрган майсадирмиз, баҳордирмиз,
Дардли кўшиқ, дostonдирмиз, изҳордирмиз,
Ор талашган Алпомишмиз, баҳодирмиз,
Дунё бедорники экан — бедордирмиз,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Торга — тору кенга — кенгники дунё,
Нафс қулимас, нафсига бекники дунё,
Кўнглимиз тўқ, демак, ўзбекники дунё,
Содиқдирмиз икки дунё, икки дунё,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Бир боғ очдик “Ғалаба боғи”дир у,
Фидойилар қайтган баҳор чоғидир у,
Юракларда ўсган фахр тоғидир у,
Боғи жаннат, жаннатнинг чорбоғидир у,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Шерлар билан шер киради мулоқотга,
Жой қолдирмас хусуматга, адоватга,
Аждар билан тил топишиб фавқулодда,
Юрт қақирса, миллион йигит чиқар отга,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Ортга қайтмас йўлбарсларим, арслонларим,
Юрт байроғин йиғлаб ўпган мардонларим,
Жойи келса жиддийларим, хандонларим,
Шахматчилар, футболчилар, султонларим,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

“Афросиёб” Самарқандга елган чоғлар,
Жалолиддин Хоразмга қайтган чоғлар,
Гул шаҳарлар, гул қишлоқлар дилин чоғлар,
Юракларда илдиз отган янги боғлар,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Хунармандлар фестивали, қовун сайли,
Атлас сайли, гуллар сайли, лола сайли,
“Темурийлар келди!”, қийқириқлар, майли,
Булар бари бахт туфайли, бахт туфайли,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Билмаганлар кимлигимиз билиб келар,
Билганидан зиёратлар қилиб келар,
Кетдик дея, тоғларни юргизиб келар,
Бу кунларга қандай етдик, худо билар,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Бу кунларга Ўзбекистон қандай етди?
Жадид бошин кундаларга бериб етди,
Қатагонлар, қурбонларни кўриб етди,
Ўқ еса-да, ўрнидан тик туриб етди,
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Ватан сўзин жон олиб айт, жон бериб айт,
Оқ қордайин тупроғига жон кириб айт,
Ёмғирдайин ёғилиб айт, бош уриб айт,
Яшашингдан мақсад на деб, сўраса, айт —
Ватан учун, миллат учун, халқ учун.

Зулфия МЎМИНОВА

Уйғоқ фикр



МАНГУ ГУЛЛАСИН ТИНЧЛИК ДАРАХТИ (Эссе)

Дунёдан бир наво келади:
— Тинчлик, тинчлик, тинчлик!
Халқлардан бир нидо келади:
— Тинчлик, тинчлик, тинчлик!
Еру осмондан хитоб келади:
— Тинчлик, тинчлик, тинчлик!
Тоғу даштдан сабо келади:
— Тинчлик, тинчлик, тинчлик!
Инсоният юрагидан садо келади:
— Тинчлик, тинчлик, тинчлик!

Ҳа, одам боласи яралибдики, ҳар лаҳза, ҳар тонг тинчликка ташна яшайди, фақат осуда осмон остида нафас олишни истайди. У хотиржамликка гўё кўёшга талпингандек интилади, ўнгида ҳам, тушида ҳам тинчлик кўёши порлаб туришини чин дилдан хоҳлайди. Урушдан ҳатто кўёш ҳам озор чекишини англаб эзилади.

У тинчлиқни меҳрибон ота-онасидек, жон-жигари бўлган фарзандидек чин юракдан яхши кўради. Тинчлик табиат каби инсоннинг жону жаҳони, осийишта ва фаровон ҳаётидир. — Бешиқда ётган гўдакларнинг маъсум кўзиди, бегубор кулгисиди нима акс этган? — Тинчлик! — Оналарнинг ҳар кунги илтижосиди, оталарнинг орзу-ниятиди нима мужассам? — Тинчлик!

— Боболарнинг дуосиди, момоларнинг алласиди ҳаммаша айтиладиган биринчи калом қайси сўз? — Тинчлик! Тогнинг улкан чўққисидида бургутга ҳам, поланларига тумшугида сув ташйётган қалдирғочга ҳам, сувдаги балиққа ҳам осийишталик керак. Майсалар, ниҳоллар, дарахтларга ҳам омонлик зарур. Табиат эса тинчлик билан барҳаёт, у туфайли гуллаб-яшнайд.

Инсон ва тинчлик, инсон ва уруш мавзулари минг-минг йиллик тарих саҳифаларида баҳс-мунозара уйғотиб келади. Шоир айтганидек, бу икки тўлқин ҳамон курашда: Тинчлик — жон дейди, уруш эса қон, Тинчлик — ҳаёт дейди, уруш эса қурбон. Тинчлик — меҳнат дейди, уруш эса қулфат, Тинчлик — обод дейди, уруш эса вайрон.

Тарих урушлардан зада бўлди, бениҳоя чарчади. Одам нега уруш қилади, нега уни ўйлаб топади? Наҳотки инсон дунёга уруш, қон тўкиш ва вайрон қилиш учун келган? Тарих ҳали-ҳануз бу саволларга жавоб топгани йўқ.


Ҳали-ҳануз инсон ва уруш муаммоси узил-кесил ҳал этилмаган. Бир ёнда қўлида қурол тутган одам, бир ёнда эса қонсизлаган уруш. Агар бешик тепасига қарга келиб қўнса, қағиллаб бешиқдаги гўдакнинг оромини бузади. Агар уйга бехосдан илон кирса, тамом, уйдагиларнинг хотиржамлиги йўқолади. Агар қишлоққа бўри ораси, одамларнинг тинчлиги бузилиши муқаррар. Шунда одамлар дарҳол мол-ҳолини, бола-чақасини ҳимоя қилишга киришади.

Агар Ватанга душман кўз олайтирса, юрт осийишталиги хавф остида қолади. Борди-ю, душман ичингдан чиқса, тинчлиқнинг ҳоли янада танг бўлади. Бундай хавфли душмандан Яраттанинг ўзи асрасин!

Ҳар даврнинг, ҳар замоннинг ўз кушандиси бўлганидек, бутунги дунёнинг энг хатарли балоси терроризм бўлди. У қулфатлар занжирига, энг даҳшатли урушларнинг ўчоғига айланди. XX аср тарихга “атом асри” сифатида киритилган бўлса, XXI аср бошланғичиёқ терроризм тамғаси билан муҳрланди. Терроризм экстремистик гуруҳларнинг ашаддий қуролига айланди. Улар бу қурол билан тинч дунёни буздиш, шаҳарларни вайрон қилиш ва юракларга гулгула солишга ҳаракат қилмоқда.

Бузғунчилар ислом тинчлик, осийишталик ва инсонпарварлик дини эканини била туриб, бу буюк ғояларни ёвузлик билан барбод қилмоқда. Инсоният кўнглига қўрқув солмоқда. Лекин тинчлик террорчиларга ҳеч қачон таслим бўлмайди, уларнинг дағдағасидан қўчмайди...

Жаҳолат илдиз отган муҳитда осудалик қабури ин кура олмайди. Лекин жаҳолат ҳар қанча ғазаб отига минмасин, ҳар қанча даҳшат солмасин, барибир саниқат шиддатини тўхтата олмайди, унинг йўлига ғов бўлолмайди, эпкинларини тўсолмайди.



“ТУШЛАРИМГА КИРИБ ТУР, БОЛАМ...”

Фарғона шахри “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинида туғилиб, камолга етган Дилшод Асанов Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги тоғли ҳудудларда террорчиларга қарши кечган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Машъум воқеа бундан чорак аср аввал рўй берган бўлса-да, мард ўғлонларнинг Ватан сарҳадларини мустаҳкамлаш, босқинчилардан тозалаш йўлидаги қаҳрамонлиги унутилмайди.

Батартиб, чоғроқ ҳовлига қадам қўяр эканмиз, димоғимизга садарайхон ифори уриди. Турфа гуллар ёз эпкинидида бош чайқаб салом бергандек бўлади гўё. Саранжом-саришта бу ҳовлида Дилшоднинг ёрқин хотираси муҳралиб қолган. Ҳовли саҳнидаги узумлар кўёшда товланади. У ана шу узумлар гарк пишган паллада таътилга келишни ва синглисининг тўйини яқинлари билан бирга ўтказишни мақсад қилганди...

— Келинлар, хуш келибсизлар, — дея очик чечрали Холида ая ичкарига чорлади. Дилбандидан эрта айрилган мушфиқ она хиёл титроқ овозда ўғли ва барча ўтганларни хотирлаб, эл-юртга омонлик сўраб дуо қилди. Она дилини фарзанд соғинчи, изтироби қийнайди. Ўқтин-ўқтин йўтал тутди. Лекин сир бой бермасликка, ўзини бардам, ўктам тутишга ҳаракат қилади.

— Ҳаёт бўлганида ўғлим бу йил 50 ёшга тўлган бўларди, — дея хотирлайди ая кўз ёшини енгига артиб. — Болалигидан оғир-вазмин, қийинчиликлардан

қўрқмайдиган, ҳаракатчан эди. Дадаси автокорхонада ҳайдовчи, мен аэропортда ошпаз бўлиб ишлардим. Дилшод тўнгич фарзандимиз бўлгани учун укаларини унга ишониб, ишга кетардик. Ишдан қайтганимда ҳамма нарса жой-жойида, аҳил-иноқликда укаларига бош бўлиб ўтирганини кўрадим. Ўғлим кичиклигидеёқ ҳар бир ишга масъулият билан қараш, айтилган ишни ўз вақтида бажаришга одатланганди. Афсус, бўйи бўйингга тенг фарзандингни йўқотиш оғир бўларкан. Орзу-умидлари бир олам эди.

Дилшод мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ ҳарбий хизматчи бўлишни мақсад қилди. Болалар спорт мактабидида эркин кураш билан шугулланиб, ҳар жиҳатдан чиниқди. Бир неча бор шаҳар, вилоят

миқёсидида мусобақаларда совриндор бўлди. Мактабни тамомлаб, Фарғона шаҳридаги 13-касб-хунар мактабидида чилангар-пайвандчиликни ўрганди. Аммо ҳарбий хизматчи бўлиш мақсади унга тинчлик бермади. Кўнглилилар қатори мудатли ҳарбий хизматга борди. Хизмат давомида тиришқоқлиги, зийраклиги, белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажара олиши билан командир ва қуролдошлари орасида ҳурмат-этибор топди. Мудатли хизматдан сўнг ҳаво десантни қўшинларида хизматни давом эттирди.

Ҳарбийликка хос фазилатлар унга бегона эмас эди. Амакиси майор Қутбиддин Асанов узоқ йиллар юрт тинчлигини йўлида сидқидилдан хизмат қилиб истеъфога чиққан. Дилшод ана шу музаффар ва шарафли йўлдан боришга қарор қилган, керак бўлса, жонини қурбон қилишга қодир, мард, жасур ўғлон бўлиб камолга етганди.

Холида аяга турфа саволлар бериб, эски ярасини янгилаб қўйганимдан хижолат бўламан. “Уэр, дил ярангизни янгилапмиз-да”, дейман.

— Йўқ, ундай деманг, бу — эслаш, хотирлаш. Болам хотираси ҳануз эъзода эканидан кўнглим таскин топади. Йўқлаб келганингиз учун раҳмат. Ўғлим жисман оранимда бўлмаса-да, қалбимизда яшапти. Унинг умри беҳуда кетмади. Юрти ва халқининг тинчлиги, осийишталиги йўлида мардларча жон берди. Минг шукр, яқинлари, қуролдош дўстлари тез-тез йўқлаб туради. Яқинда ўғлим ўқиган мактаб

Мустақиллигимизнинг энг олий неъматини бу, шубҳасиз, осийишталиқдир. У мустаҳкамлашиб боргани сари ҳаётини муаммолар ўз-ўзидан ечимини топади, жамиятдаги камчиликлар барҳам топаверади.

Юртимиздаги улкан ислохотлар, ўзгаришлар ва юксалишлар замирида тинчлик ишончли ҳамда қудратли таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Уни барқарор сақлаш осон вазифа эмас! Бу йўлда Яратган ўзи мададкор бўлсин!

Тинчлик бор экан, миллат юксалади. Тинчлик бор экан, янги Ўзбекистон обод бўлаверади.

Тинчлик бор экан, бало-қазо яқинлашмайди. Тинчлик бор экан, ҳурлик хатар остида қолмайди.

Мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлар, беқиёс ислохотлар, каттаю кичик юксалишлар ва барча соҳадаги тараққиёт замирида буюк неъмат — осийишталик мужассам. Финларда бундай мақол бор: “Ғалла ҳам осудалиққа ҳосил беради”.

Шаҳарлар ободлиги тинчлик туфайлидир. Бу обод, кўркам шаҳарларда яшаш ва ўқиш осийишталик билан уйғунлашиб кетган. Равон йўллар, ҳашаматли кўприклар ҳам шунга хизмат қилмоқда. Кўчаларда одамлар гўё бир-бирининг эмас, хотир-жамлиқнинг қўлидан тултиб юргандек эмин-эркин кезади. Гўдаклар кулгисиди, болалар қувончиди тинчлик шуқуҳи бор.

Далаларда бахт шамоли эсади. Деҳқоннинг ҳам, боғбоннинг ҳам, чўпоннинг ҳам асосий нияти — тинчлик. Ўзбекистонда осийишталик мустаҳкамлангани сари ҳосил чўғи баланд бўлади, деҳқоннинг даромади ортади, фарзандлари фаровон яшайди.

Ҳар куни Яратганга илтижо қилиб, хотир-жамлигимиз барқарор бўлишини сўраймиз. Осмонимиз мусофиро бўлишини истаймиз. Осудалик даҳстининг ҳаммаша, ҳар доим кўзларини яшнатаиб, дилларни яйратиб гуллаб туришини ният қиламиз.

Ватандошим, тинчлик даҳстини, аввало, ўз қалбингизга экинг. Сўнг ҳовлигизга, маҳаллангиз ва қишлоғингизга қадаг! Токи унинг мустаҳкам илдизлари, улкан шохлари, ям-яшил барглари дунёни тутсин, тинчликсеварлар қалбини забт этсин. Хотиржамлик тимсолига айлансин!

Абадий яшил бўлсин, мангу гулласин тинчлик даҳсти!

Танқиди шоир Омон Матжон ёзганидек: *Ер оҳиста кезар экан самода, Тинчлик дедан зўр неъматга бош эгдим...*

Сиз ҳам осийишталикка астойдил талпининг, унга таъзим қилинг. Бу ноёб неъматга бош эгинг. Токи Ер юзини омонлик руҳи, хотиржамлик садоси тутсин! Тинчлик ялалари — мангу қўшиқ янграсин, Ернинг қуламас қўрғонига айлансин!..

Ашурали ЖЎРАЕВ,
публицист

Ўқувчилари ўзлари чизган расмини совға қилиб кетди. Ёнимда фарзандларим, набираларим, яқинларим бор. Уларнинг аҳилигидан, тинч-тоғувиғидан қувонаман, таскин-тасалли топаман. Аммо кўнгли экан-да, барибир тўнгичимни соғинаман. “Тушларимга кириб тур, болам”, дея тонг оттираман...

Эндигина келин тушираман деб турган онаизорнинг муҳаббат ҳудудига дош беришига ана шу таскин, яқинларнинг меҳр-оқибати сабаб бўлаётган бўлса, не ажаб. Айтишларига, Дилшод қабрга қўйилганидан сўнг у ердан бир йилга қадар бир қучоқ алвон гул аримаган экан.

Ҳаёт синовларида тобланган матонатли она билан суҳбатлашиб, Ватан тинчлиги, юрт равнақи йўлида жон фидо қилган мана шундай мард ўғлонларни камолга етказган ота-оналар сиймосига таъзим қиламан.

Уй тўрида қаҳрамоннинг ҳаёт йўли билан боғлиқ хотира бурчаги ташкил этилибди. Бу ердан ўрин олган кам, лекин қимматли маълумотлар жасур йигитнинг қисқа, аммо шарафли йўли ҳақидаги таассуротларимизни бойитишга имкон берди. Уларга қараб ҳеч қачон қўрмаган, билмаган инсон билан қадрдон, қондош бўлиб қолгандек ғойибона суҳбатлашасиз.

Ватан озолиги, тинчлиги йўлидаги қаҳрамонлиқлар асло унутилгани йўқ. Вафотидан кейин Дилшод Асанов бир неча бор орден ва медаллар билан тақдирланди. “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўчалардан бири унинг номи билан аталади.

— Синфдош дўстимизнинг матонати ҳақида ўқувчиларга тез-тез сўзлаб бераман, — дейди Фарғона шаҳридаги 25-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Нафиса Собирова. — У яхши хулқи, билимдонлиги, адолати, қучисларни ҳимоя қилиши, қалвераса, ташкилотчилик қобилияти билан бошқалардан ажралиб турарди. Ҳанузгача бу фазилатларини ёшларга намуна сифатида сўзлаб берамиз. Мактабимизда “Жасорат” бурчаги ташкил этилган. Унинг хотирасига бағишлаб турир спорт беллашувлари ўтказиш аънаёна айланган. Ўқувчилар билан Дилшод Асанов яшаган хонадонга бориб туримиз. Унинг ҳаёт йўли билан боғлиқ хотираларини эслаймиз.

Дилшод Асанов таъмирланган 25-мактаб янги ўқув йилига мукаммал таъмирланди, ҳовлисига қаҳрамон бюсти ўрнатилди. Бу ёдгорлик матонатли аскар ёдини улуглаш, абадийлаштириш билан бирга ёшлар қалбига ватанга муҳаббат туйғуларини олиб кириш, юрта содиқлик ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.
34930 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаххас: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 01:30 Топширилди — 03:10